

## МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ ОҚИБАТЛАРИ

Санжар Авазов

ҚарДУ ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

[sanjarbek555@mail.ru](mailto:sanjarbek555@mail.ru)

## Аннотация

Глобаллашув жараёни тобора шиддатли тус олган давримизда миграция жараёни, айниқса ташқи миграция оқими кучайгандан кучайиб бормокда. Ушбу мақолада барча замонларда долзарб аҳамият касб этган миграция, меҳнат миграцияси масалалари таҳлил этилган. Айниқса бугунги глобаллашган дунёда кўпчилик юртдошларимизнинг ташқи меҳнат мигрантларига айланиш сабаблари ҳамда ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг ижтимоий аҳволи, уларни қийнаётган муаммолар хусусида атрофлича фикр юритилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** миграция, ички ва ташқи миграция, меҳнат миграцияси, ноқонуний меҳнат миграцияси, иқтисодий фаол фуқаро, ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари, меҳнат муҳожирларининг ижтимоий аҳволи, пул ўтказмалари, Ўзбекистон меҳнат миграцияси агентлиги, ўзбек диаспоралари.

## ТРУДОВАЯ МИГРАЦИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ: ПРИЧИНЫ И ПОСЛЕДСТВИЯ

Авазов Санжар Эргашович

Қаршинский государственный университет

преподаватель кафедры социальных наук

## Аннотация

В то время, когда процесс глобализации набирает силу, миграционные процессы, особенно внешние миграционные потоки, усиливаются.

Вданной статье анализируются вопросы миграции, трудовой миграции, которая всегда играла важную роль. Особеннов современном глобализированном мире подробно рассматриваются причины превращения многих наших соотечественников виностранных трудовых мигрантов, а также социальное положение трудовых мигрантов из Узбекистана, мучающиеих проблемы.

**Ключевые слова:** миграция, внутренняя и внешняя миграция, трудовая миграция, нелегальная трудовая миграция, экономически активный гражданин, узбекские трудовые мигранты, социальный статус трудовых мигрантов, денежные переводы, Узбекское агентство по трудовой миграции, узбекская диаспора.

LABOR MIGRATION IN UZBEKISTAN: CAUSES AND CONSEQUENCES

Avazov Sanjar Ergashovich

Karshi State University

Teacher of the Department of Social Sciences

**Annotation**

At a time when the process of globalization is gaining momentum, migration processes, especially external migration flows, are intensifying.

This article analyzes the issues of migration, labor migration, which has always played an important role. Especially in the modern globalized world, the reasons for the transformation of many of our compatriots into foreign labor migrants, as well as the social situation of labor migrants from Uzbekistan, and their problems are considered in detail.

**Key words:** migration, internal and external migration, labor migration, illegal labor migration, economically active citizen, Uzbek labor migrants, social status of labor migrants, remittances, Uzbek Agency for Labor Migration, Uzbek Diaspora.

Ер юзининг аксар мамлакатларида аҳоли сони тобора кўпайиб (Ғарбий Европани истисно қилганда) ва шунга монанд равишда иш изловчилар, қандайдир меҳнат ортидан даромад топишга мажбур бўганлар салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Шу боис ишсизлик, янги иш ўринларини яратиш жуда кўп жойларда энг долзарб ижтимоий муаммога айлангани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса аҳолисининг кўп қисмини ёшлар ташкил этадиган ҳамда йирик саноат корхоналари унчалик кўп бўлмаган мамлакатларда муаммо ечими анча мураккабликларни келтириб чиқаради. Қолаверса тобора кучайиб бораётган экологик танглик, хусусан, об-ҳавонинг ялпи исиши, ёғингарчиликнинг йилдан йилга камайиб, қурғоқчиликнинг мунтазам тус олиши ҳам кўпчилик одамларни тирикчилик манбаидан мосуво қилмоқда. “Оксфорд университети муаллими Норман Майернинг башорат қилишича, 2050 йилга бориб, “денгиз сатҳининг кўтарилиши ва қишлоқ хўжалигида юз берадиган ўзгаришлар оқибатида 150 миллион киши ўзи яшаб турган жойларни ташлаб кетишга мажбур бўлади”<sup>1</sup>.

Бунга яна дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган қуролли можароларни ҳам қўшсак муаммонинг кўлами янада катталашади. Афсуски, XXI асрда ҳам шафқатсизликлар, зўронликлар, хунрезликлар тўхтагани йўқ. Сўнги йилларда Ироқ, Сурия, Афғонистондаги нотинч вазият туфайли миллионлаб кишилар мулкидан, иш жойидан, даромад манбаидан ажралиб, кўпчилиги ўзга юртларда тентирашга маҳкум қилинди. Айни дамлардаги Россия-Украина

<sup>1</sup> Тимоти Ж.Уинтер. XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда қиблани топиш. Т.:2005 й, 25-26 б.

можароси эса нафақат минтақадаги, балки бутун дунёдаги мувозанатга салбий таъсир кўрсатиб, бир томондан, Украинадаги жуда кўплаб саноат корхоналари, мулклар, бизнес объектлари, кишлоқ хўжалик ерлари вайрон қилиниб, минглаб кишилар қочқинга айланган бўлса, иккинчи томондан минтақада жуда катта салоҳиятга эга бўлган, кўплаб меҳнат мигрантларини иш билан таъминлаётган Россияга нисбатан ривожланган Ғарб давлатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан қўлланилаётган кўплаб санкциялар ушбу мамлакат молия-иқтисодиёт соҳасига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Бу эса ўз навбатида иш ўринларининг қисқариши, пулнинг қарсизланиши, нарх-навонинг ошиши каби меҳнат мигрантларини ташвишга соладиган оқибатлардан дарак бермоқда.

Меҳнат мигрантлари сони ошишига урбанизация суръатларининг кескин кучайиб кетиши ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Қишлоғини ташлаб, шаҳарларга келаётган аҳолининг аксарияти ўзига иш тополмайди. Уларнинг айримларининг шаҳар ҳаётига кўникиши қийин бўлса, айримларининг шаҳар жойлардаги ишларга малакаси етишмади.

Шунингдек, глобаллашув жараёнининг тобора шиддатли тус олиши ҳам ташқи меҳнат миграцияси оқимининг бениҳоя кучайиб кетишига сабабчи бўлмоқда. Бугун меҳнат миграциясига қайсидир даражада алоқадор бўлмаган бирорта давлатни топиш қийин. Ривожланган мамлакатлар ишчи кучига қанчалик эҳтиёж сезса, ривожланаётган ва қашшоқ мамлакатларда ишсизлик муаммоси шу даражада долзарб.

Натижада кўпгина мамлакатларда мигрантларнинг катта “армия”си вужудга келади. Улар иш излаб дунёнинг турли бурчакларига тарикдек сочилиб кетишади. Меҳнатига яхшироқ ҳақ тўлайдиган мамлакатларга қараб эса гурас-гурас йўлга отланишади. Бола-чақа, ота-онасини йиллар давомида кўрмаса ҳам, мусофир юртларни уларни машаққатли меҳнат кутаётган бўлса ҳам, майлига. Начора, умргузоронлик қилиш керак. Хуллас, бугунги кунда дунё бўйича меҳнат мигрантларининг катта оқими вужудга келган ва миллионлаб кишилар ўзга юртларда меҳнат қилишга мажбур бўлишмоқда. Маълумотларга кўра, дунёнинг турли мамлакатларида ўртача 232 миллион нафар мигрант яшайди<sup>2</sup>.

Афсуски, бу муаммо бизга ҳам бегона эмас. Ҳозирда Ўзбекистон аҳолиси ҳар йили 640-650 минг кишига ўсиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони эса 360-370 минг нафарга ўсаяпти. Демакки ҳар йили салкам шунча янги иш ўринларини яратиш керак. Меҳнат ресурсларининг бундай суръатдаги ўсишини кўтариш ҳозирча иқтисодиётимизга оғирлик қилаяпти. Табиийки, бундай катта кўламдаги вазифани бажариш ҳар қандай мамлакат учун ҳам осон иш эмас. Бу битта фармон ё буйруқ билан ёки кимнингдир истаги туфайли осонгина ҳал бўлиб қоладиган

<sup>2</sup> <https://meningfikrim.uz/uz/news/view/253>

юмуш ҳам эмас. Агар шундай бўлганда эди у бугун бунчалик оғриқли масалага айланмаган бўларди. У комплекс ёндошувни, аниқ ҳисоб-китобларга асосланган изчил дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, катта маблағни ҳамда яна бошқа кўплаб вазифаларни бажаришни талаб этади. Шу боисданам инсизлик кун тартибидан сира тушмайдиган масаладир. Ижтимоий барқарорликнинг асосий омили бўлган аҳоли бандлиги, хусусан ёшлар бандлиги - бугун ҳам мамлакатимизда ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аввало, иш ўринларининг етишмаслиги туфайли миллионлаб ватандошларимиз, асосан ёшлар яқин ва узоқ хориж ютларда меҳнат қилишяпти. **“Маълумотларга кўра, 2,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонлик меҳнат мигранти хорижда ишляпти. Уларнинг оилаларига жўнатаётган пул ўтказмалари ҳажми республика вилоятларига қараб, умумий аҳоли даромадининг 5 фоиздан 23 фоизгача бўлган қисмини ташкил этади”<sup>3</sup>.**

Статистик маълумотларга кўра, хорижда меҳнат қилаётган Ўзбекистонликларнинг 80 – 85 фоизи Россияда ишляпти<sup>4</sup>. Аксарият юртдошларимиз Россияда меҳнат қилаётган бўлса-да сўнгги 5 йилда вазият бироз ўзгарди. Миграция географияси кенгайиб АҚШ, Туркия, Исроил, Жанубий Корея, БАА ва Қозоғистонга бораётган ишчилар оқими тобора ўсиб бораётгани кузатилмоқда. АҚШ Давлат Департаменти маълумотларига қараганда, 1990-2016 йиллар давомида ҳар йили 6-7 минг нафар ўзбеклар иммиграцион виза (green card) эгаси бўлишга эришганлар. Бу кўрсаткич бўйича биз Россия ва Украина фуқароларидан кейин 3-ўринда турамыз.

Табиийки, Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси сони кўпайиши баробарида иш қидириб четга чиқаётган фуқаролар сони ҳам ошиб бормоқда. Қизиғи шундаки, бу рақамларнинг ўзаро нисбати бир неча йилдан буён 10 – 11 фоиз атрофида деярли ўзгармасдан келмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг ҳар ўнинчи иқтисодий фаол фуқароси ҳар йили иш топиш мақсадида хорижга чиқади<sup>5</sup>.

Кўриниб турибдики, айнан куч-ғайратга тўлган кўплаб ёшларимиз меҳнат мигрантига айланаяпти. Хўш, улар чет мамлакатларда қандай вазиятларга дуч келаяпти? Меҳнат мигрантларимиз асосан қандай машғулотларга жалб этилмоқда? Асосан қандай муаммоларга дуч келишмоқда? Янгича муҳит айниқса турли таъсирларга берилувчан ва яқинлари назоратидан четлашган

<sup>3</sup> <https://uzanalytics.com/>

<sup>4</sup>Қаранг: <https://mover.uz/> .

<sup>5</sup> Қаранг: <https://mover.uz/>.

ёшлар маънавий-ахлоқий қиёфасига қандай таъсир кўрсатапти? деган бир қатор муҳим саволларни ҳам кун тартибига қўймоқдаки, ушбу саволларга жавоб излаш асносида меҳнат мигрантларининг ижтимоий аҳволи ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Бир қарашда ташвишга ўрин йўқдек, ҳаттоки барчаси кўнгилдагидек бўлиб туюлиши мумкин. Зеро, кўпчилик меҳнат мигрантларимиз анча-мунча пул топаётгани, рўзгорини боқаётгани, иқтисодий-маиший муаммоларини ҳал қилаётгани бор гап, буни ҳеч ким инкор қилолмайди. Уларнинг аксарияти кам малака талаб қиладиган нисбатан оғир – қурилиш, таъмирлаш, юк ортиш, ободонлаштириш, ресторанларда официант, бозорларда сотувчи каби ишларда ишласаларда ҳарқалай пул топаётганидан мамнун.

Яна шуни ҳам тан олиш лозимки, бугун меҳнат мигрантларимиз дуч келаётган муаммолар анчагина ва уларнинг баъзиларининг келиб чиқишига айнан уларнинг ўзлари сабабчи. Кўплаб мутасадди ва мутахассислар фикрича, бугун юртдошларимизни қийнаётган муаммолар қуйидагилардан иборат:

- меҳнат мигрантларининг аксарияти ҳамон таваккалига ёки танишларга ишониб сафарга отланмоқда. Давлат ва турли агентликлар томонидан ташкилий ва манзилли тарзда ишга юбориш энди-энди ташкиллаштирилмоқда.

- четга пул топишга отланаётган юртдошларимизнинг, айниқса ёшларнинг аксарияти бирор касбнинг, керакли ҳунарнинг устаси эмас;

- меҳнат муҳожирларининг аксарияти ўзи ишга бораётган мамлакат тилини билмайди;

- ҳунар ва тил билмаслик натижада уларнинг кам ҳақ тўланадиган, “қора ишлар”га ҳам рози бўлишдан ўзга чораси йўқ;

- кўпчилик эса ўзи ишлаётган мамлакат меҳнат қонунчилигидан беҳабар ҳамда ўз ҳуқуқларини билмайди ва талаб қилолмайди;

- хорижда меҳнат қилаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизми энди-энди шакллантирилаяпти ва ҳамон талаб даражасида эмас.

- чет элларга меҳнат мигрантларини ташкиллаштирган ҳолда ишга юбориш сўнги йиллардагина давлат назоратига олинди.

- шунингдек, қонунларни чуқур билмаслик ва уларни четлаб ўтишга уриниш каби миллий менталитетимизга хос қусурлар баъзи ҳолларда чет элларда ҳам уларга панд бераётгани тез-тез тилга олинапти.

Бу муаммоларнинг аксарияти кўп йиллар давомида меҳнат мигрантларининг ўз билганича хорижга ишга кетганлиги, уларга ҳуқуқий йўл-йўриқ кўрсатадиган муассасаларнинг бўлмаганлиги, ҳаттоки мамлакат иқтисодиётига келтирган фойдаси эътироф этилмаганлиги, уларни бор-йўғи

“ноқонуний меҳнат муҳожирлари”, деб ҳисоблаганлиги ва шундан келиб чиқиб муносабат билдирганлиги оқибатидир.

Аммо, шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда хорижда ишлаётган фуқароларга нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Энг аввало улар ризқ топиш учун, рўзғорини тебратиш учун ҳалол, машаққатли меҳнат қилаётганликлари, шу орқали эса жуда катта миқдордаги хорижий валюта мамлакатимиз бозорига кириб келаётганлиги тан олинди. Уларнинг муаммолари ҳис қилинди ва уларни ҳал қилишга кўмаклашиш мақсадида ҳукумат доирасида жиддий киришилди. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасининг ташкил этилиши, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолиятининг йўлга қўйилиши бу борадаги дастлабки қадамлар бўлди.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёвнинг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”и ПҚ-4829-сон қарорида четда ишлаётган юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маданий қўллаб-қувватлаш, бу борасида ечимини кутаётган муаммоларни тизимли ҳал этиш вазифалари бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Йўлга қўйилган янги тизим ўз самарасини бера бошлади дейишга асосларимиз бор. “2021 йил 10 ойида Хорижда ишлаётган 314,1 минг меҳнат мигрантига ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 892,1 минг АҚШ доллари миқдоридagi иш ҳақлари иш берувчилардан ундириб берилди. Оғир вазиятга тушиб қолган 302 киши, шунингдек, турли сабаблар боис вафот этган 408 фуқаро жасади Ватанга қайтариб олиб келинди.

Шунингдек, ташқи меҳнат миграциясининг географиясини кенгайтириш мақсадида Германия, Япония, Словакия, Швейцария, Нидерландия, Болгария, Латвия, Литва каби 25 та давлат иш берувчилари билан 382та ҳамкорлик шартномалари тузилди.

2017 йил 922 фуқаро Россияга ташкилий ва манзилли тарзда ишга юборилган бўлса, 2021 йилнинг 10 ойида 84598 фуқаро ишга жойлаштирилди”<sup>6</sup> Тўғри ҳали рақамлар унчалик салмоқли эмасдек. Аммо, энг асосийси, ҳаракатнинг бошлангани, изланишнинг давомийлиги.

Юқорида зикр этилган қарорда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилининг асосий йўналишлари белгиланиб, унда ташқи меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

<sup>6</sup> Толиб Раҳматов. Меҳнат миграцияси: янги тизим қандай ишляпти? Вазир билан суҳбат. <https://kun.uz/neys/2021/12/03.tashqi-mehnat-migratsiyasi-yangi-tizim-qanday-ishlayapti>

хорижда ишламоқчи бўлганларни касб-ҳунарга ва хорижий тилларга ўқитиш; меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватла; уларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, каби қатор муҳим жиҳатлар ўз ифодасини топган. Бу вазифаларни изчил амалга оширила бориши, шубҳасиз, юртдошларимизга талай муаммолардан халос бўлишларига ёрдам беради. Ана шунда юртдошларимиз қаерда бўлмасин мушкул вазиятга тушиб қолганида ҳам ўзини ночор ҳис этмайди, ортида қудратли ҳимоячиси борлигини, уни ҳар дам қўллаб-қувватлайдиган Ватани, ҳукумати борлигидан фахр, ифтихор туяди.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат миграцияси зарурий ҳодисаси бўлиб, ундан ҳеч бир мамлакат юз ўгиролмайди ва ушбу жараёни тўхтатиб ҳам қололмайди. Бироқ уни тизимли ташкил этиши, ўз фуқаролари учун ҳуқуқий ҳимоя механизмини яратиб бериши мумкин. Анча вақтлар ана шу ҳимоядан, қўллаб-қувватлашдан мосуво бўлган меҳнат муҳожирларимизнинг муаммолардан боши чикмади. Энди эса вазиятнинг ўзгариши, тайин. Зеро, қаердаки меҳнат миграцияси тўғри ташкил этилса бандлик, оилалар даромади, малакали мутахассислар кўпайиши аниқ.

### **Адабиётлар**

1. Худойбердиев З.Я. Ишсизлик. Иқтисодий ва сиёсий талқин. -Наманган.: "Наманган", 2003.
2. Тимоти Ж.Уинтер. XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда қиблани топиш. Т.:2005 й, 25-26 б.
3. Толиб Раҳматов. Меҳнат миграцияси: янги тизим қандай ишляпти? Вазир билан суҳбат. <https://kun.uz/neys/2021/12/03.tashqi-mehnat-migratsiyasi-yangi-tizim-qanday-ishlayapti>.
4. <https://meningfikrim.uz/uz/news/view/253>